Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 6-fevral. Payshanba ● 17 (31.764) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш

партия дастурий мақсадларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида ЎзХДПнинг 33 мингдан ортиқ аъзоси бор. Жойларда 138 нафар тарғиботчи 15 та гуруҳга бўлиниб, фаолият кўрсатмоқда.

Сиёсий партия ғояси, дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, тарафдорларни кўпайтиришда тарғиботчилар гуруҳлари зиммасига катта масъулият юкланади. Сиёсий партиялар ўртасида кураш кучайиб бораётган ҳозирги шароитда тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш нималарга боғлиқ?

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинарда бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутутлари Сурхондарё вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, экспертлар, тарғиботчилар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

► Давоми 2-бетда.

Сарҳисоб

Сирдарё вилоятида 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Чора-тадбирлар белгиланди

Вилоят ҳокими О.Ашурматов бошқарган йиғилишда 2013 йилда вилоят иқтисодиётини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 17 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2013 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоиз, жумладан, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажми 8,1, чакана савдо 15,7, пуллик хизмат 14,8 фоизга ўсгани қайд этилди. Экспорт ҳажмининг ўсиши 45 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида вилоятда 745 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 6 минг 800 тага етди. 25 минг 800 янги иш ўрни яратилди.

Йиғилишда айрим соҳаларда йўл қўйилган камчиликлар, имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани танқид қилиниб, атрофлича таҳлил этилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, фармацевтика, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

Хотин-қизлар манфаати ҳимояси

энг устувор вазифаларимиздан биридир

Хотин-қизларга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўллари...

Партия гуруҳи билан ҳамкорликда иш олиб боришни тизимли йўлга қўйиш усуллари...

«Фаол аёллар» қаноти аъзолари билан ишлаш механизмлари...

Масалалар жуда долзарб. Шунинг учун ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан ўтказилган семинарда асосий эътибор мазкур йўналишлардаги ишларни аниқ натижани кўзлаб олиб боришга қаратилди.

► Давоми 2-бетда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўз навбатида, ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулияти ҳамда жавобгарлигини оширишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

Эркин ахборот майдони

уни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Конституциямизда ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шу асосида соҳага оид қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантириш, ахборот соҳасининг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Бу масс-медиа тармоқларининг сони, фаолияти изчил юксалиб бориши учун катта имконият яратмоқда. Масалан, сўнгги йилларда ОАВ, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари, преференциялар берилди. 2000-2010 йиллар ичида мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга кўпайди. Бугунги кунга келиб эса уларнинг умумий сони 1372 тани ташкил этмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Тиббиёт

Замонавий тиббий жиҳозлар

Юртимизда аҳолининг, айниқса, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Яқинда Андижон вилояти, Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасига «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида топширилган рақамли рентген ва бошқа тиббий жиҳозлар туман аҳолиси, жумладан, оналар ва болалар соғлигини ҳимоялаш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Умумий қиймати 1 миллиард 400 миллион сўм бўлган ана шундай тиббиёт ускуналари Избоскан, Олтинкўл ва Бўз туманлари тиббиёт бирлашмаларига ҳам етказиб берилди.

Ўз мухбиримиз.

Янги қонун кучга кирди

Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди

Партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритади. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Кўчма жамоатчилик қабулхоналари

одамлар ва партияни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажармоқда

www.uzbekistonovozi.uz

Ёш сиёсатчи

Партиянинг ишончли таянчи

Мен йигирма беш ёшдаман. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тилидан дарс бераман. Айни пайтда партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлими етакчисиман.

Туманда партиямизнинг 31 та бошланғич ташкилоти бор. Уларга 1200 нафарга яқин партиядошимиз бирлашган. Аъзоларнинг 349 нафарини ёшлар ташкил этади. Биз партия сафига кўпроқ сиёсий фаол ёшларни жалб қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Тенгдошларим орасидан бўлғуси етакчиларни аниқлаш, уларни партия ташкилотларида ишлашга ҳамда келгусида депутатликка номзод сифатида тайёрлашга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бугунги кунда халқ депутатлари туман Кенгашида партиямиз вакиллари ҳисобланган 12 нафар депутат бўлса, шундан 4 нафари, бошланғич партия ташкилотларимиз етакчиларининг эса 12 нафари ҳали 30 ёшга кирмаган йигит-қизлардир.

Табиийки, ҳар бир ҳудудда катта ҳаётга катта орзулар билан кириб келаётган ёшларни ташвишга солаётган катта-кичик муаммолар бўлади. Бизнинг туманимизда ҳам олис қишлоқлардаги ёшларнинг маиший, маданий ва сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ баъзи масалаларга жойларда бефарқлик ҳоллари учраб турибди. Биз мазкур муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини, бартараф этиш йўлларини муҳокама этиб, ўз таклифларимизни билдирсак, бундан ёшларнинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам кўпроқ фойда тегади.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, ёш сиёсатчилар тенгдошлари дуч келадиган муаммоларни ҳал этишга кўмак бериши зарур. Шу мақсадда йиғилишларимизга янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ўз ғоясига эга, аммо уни амалга оширишда ёрдамга муҳтож бўлган ёшларни таклиф этишга ҳаракат қилаяпмиз. Улар қандай қийинчиликларга дуч келаётганини биргаликда муҳокама этамиз ва клуб аъзолари уни ҳал этиш бўйича таклифларини билдиради. Агар ўз кучимиз билан мақсадга эришолсак, нур устига нур. Бўлмаса, партиянинг Жамоатчилик қабулхонаси, депутатларимиз имкониятларидан фойдаланамиз.

Айни пайтда ана шу тажрибани ривожлантириш ҳаракатидамиз. «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг энг яқин ёрдамчиси, партиямизнинг ишончли таянчи бўла олсагина ўз вазифасини бажарган ҳисобланади.

Жаҳонгир ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Дўстлик туман бўлими етакчиси.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Тадбиркорнинг эҳтиётсизлиги учун бошқа одам жавоб бериши керакми?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ЎзХДП фракциясининг позицияси ҳақидаги мақолани ўқийсиз.

Ҳуқуқий эксперимент субъектларининг ахборот хизматлари, веб-сайтлари фаолияти тубдан янгиланди, мазмунан бойиди. Пировардида аҳоли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан яқиндан хабардор бўлиши учун ўзига хос платформа яратилди

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

Эркин ахборот майдони

уни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Давлат органлари очиқлиги ахборот олиш имкониятларини кенгайтиради

Бугун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқ ва ошкора олиб борилишини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Бундай ҳуқуқий меъёрлар Конституциямиз ва қатор қонунларда ўз аксини топган. Шунга қарамай, бу борадаги барча меъёрларни яхлит қонун сифатида шакллантиришга зарурат туғилди. Шундан келиб чиқиб, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойишига асосан ўтган йилнинг март-декабрь ойларида Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги давлат органлари негизида қонун лойиҳаси ҳуқуқий тажрибадан ўтказилди. Миллий қонунчилигимиз ва қонун ижодкорлиги жараёнида бу янги демократик метод сифатида амалда ўз самарасини кўрсатди.

Ҳуқуқий экспериментнинг дастлабки босқичида зарур ташкилий-ҳуқуқий база тайёрланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти регламентлари қонун лойиҳаси меъёрлари белгилайдиган очиқлик тамойили нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари эксперимент вазифалари, мақсади, тартиби ва бошланиши ҳақида хабардор қилинди.

Асосий босқичда эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқа ахборотдан фойдаланувчиларнинг фаолияти эксперимент ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил қилиниб, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлиги комплекс баҳоланди. Шунингдек, аҳоли манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалалар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг қабул қилаётган қарорлари мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунтириш ва бу борада самарали ташкилий-ҳуқуқий усулларни ишлаб чиқишга эришилди.

Якуний босқичда ҳуқуқий эксперимент субъектлари эксперимент натижаларини умумлаштириб, таҳлил қилди ҳамда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу жараёнда ҳуқуқий эксперимент субъектлари ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, веб-сайтлари фаолияти тубдан янгиланди, мазмунан бойиди. Пировардида аҳоли давлат органлари фаолиятидан яқиндан бохабар бўлиши учун ўзига хос платформа яратилди.

Албатта, эътибор ва рағбат оммавий ахборот воситалари фаолиятини янги босқичга кўтаришни, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва батафсил хабардор қилиш, аҳолининг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назорати ва ошкоралик институти сифатида мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари илгари сурилган. Демак, ахборот соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ислоҳотлар партиянинг устувор вазифалари амалга ошиши учун кенг шароит яратади.

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

ОАВнинг иқтисодий асослари янада мустаҳкамланади

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш даркорлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Чунки «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари молмулки, унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари, тадбиркорлик фаолияти, тахририят ходимининг фаолиятини рағбатлантириш каби ҳуқуқий меъёрлар белгиланиши кўзда тутилмоқда. Бунда оммавий ахборот воситасининг устав фонди, устав фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган моддий ва номоддий активлар, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромад ва фойда, оммавий ахборот воситасининг мол-мулкини шакллантириш манбаларининг турлари кўрсатилиши мўлжалланмоқда. Қолаверса, унда оммавий ахборот воситасининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиши бозор иқтисодиёти шароитида унинг иш самарадорлигини оширишда муҳим асос бўлади.

> «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса давлат томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий мадад ҳамда кўмакларни белгилаш, уларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган.

Шу боис унда ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий кафолатлари, тамойиллари, шакллари ва инфратузилмасини белгилашга оид нормалар кўрсатиб ўтилиши назарда тутилмоқда. Бу соҳани янада эркинлаштириш, миллий ахборот бозорида ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлар салмоғини ошириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимоий буюртмаларни бажарадиган оммавий ахборот воситаларига солиқ, божхона тўловларида имтиёзлар бериш миллий ахборот маконини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назорати ва ошкоралик институти сифатида мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари илгари сурилган. Демак, ахборот соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ислоҳотлар партиянинг устувор вазифалари амалга ошиши учун кенг шароит яратади.

Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари соҳага тегишли қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари ижроси устидан парламент ва жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириши лозим. Бундан нафақат партия, балки ОАВ ва энг муҳими, бутун жамият катта манфаат кўради.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Одамлар орасига кириб, улар билан мулоқот қилиш, фикр алмашиш осон иш эмас. Бирданига ЎзХДПнинг ғоялари ҳақида гап очсангиз сизни ҳамма бажонидил тингламаслиги мумкин.

Тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш

партия дастурий мақсадларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади

Семинарда партиянинг Сайловолди дастурий мақсадларини тарғиб қилишда замонавий коммуникация, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишга зарурат кучайиб бораётгани, шунингдек, етакчилар нотиқлик санъатини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Иброҳим ЁҚУБОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Биз вилоят ҳамда туман партия кенгашларидаги тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Айни пайтда вилоятда ЎзХДПнинг 33 мингдан ортиқ аъзоси бор. Жойларда 138 нафар тарғиботчи 15 та гуруҳга бўлиниб, фаолият кўрсатмоқда. Менда иккита таклиф бор. Биринчидан, тарғиботчилар гуруҳлари сафига хотин-қизлар ва ёшларни кўпроқ жалб қилиш лозим. Чунки, жойларда хотин-қизлар ва ёшларга дахлдор масалалар нисбатан кўп. Улар билан айнан уларнинг муаммоларини яхши биладиган кишилар мулоқот ўтказса, самаралироқ бўлади. Шу билан бирга олис қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли билан учрашувларни кўпроқ ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Одамлар билан суҳбатлашганда уларни қизиқтираётган масалаларни партиямиз ғоялари билан боғлаб тушунтириш керак.

Тўра ЗОИРОВ,
ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси:

— Ҳудудий партия ташкилотларида фаоллар, депутатлар, олимлар ва мутахассислардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари тузилган. Уларнинг асосий вазифалари юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, олиб борилаётган ислоҳотлар, партия дастурий мақсад ҳамда вазифалари, мафкураси ва сиёсатининг мазмун-моҳиятини аҳоли, электорат вакилларига тушунтириш, уларнинг бу борадаги фикрларини ўрганишдан иборат.

Одамлар орасига кириб, улар билан мулоқот қилиш, фикр алмашиш осон иш эмас. Аввало, электорат орасида турли учрашувларни ташкил этишдан мақсадимиз аниқ бўлиши керак. Бирданига ЎзХДПнинг ғоялари ҳақида гап очсангиз сизни ҳамма бажонидил тингламаслиги мумкин. Чунки ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг биринчи, иккинчи ва ҳоказо даражали ташвишлари бор. Юқорида тўғри айтилди, биз партиямиз сиёсати тарғиботини уларнинг ҳаётига боғлаб тушунтирсак, мисоллар билан фикримизни исботлаб берсаккина бизни тинглашади, икки томонлама мулоқотнинг самараси юқори бўлади.

Аҳрор МЕЛИЕВ,
Денов маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари, ЎзХДП фаоли:

— Тарғиботчи қайси аудиторияга кираётганига қараб мавзулар бўйича алоҳида тайёргарликка эга бўлиши керак. Мисол учун, ёшлар билан учрашув дейлик. Нотиқ, аввало, ёшларнинг ҳаётини яхши билиши, ютуқлари-ю муаммоларидан чуқур хабардор бўлиши шарт. Аксинча бўлса аудитория уни қабул қилмайди.

Маълумки, бугунги ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, тарғибот ишларини нафақат учрашувлар ташкил этиш йўли билан, балки замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида махсус дастурлар орқали ҳам олиб бориш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Исмоил БОТИРОВ,
Термиз Археология музей директори, ЎзХДП фаоли:

— Фаолиятимиз ривожи кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар ишини қандай ташкил этишимизга боғлиқ. Қуйи бўғиннинг мустаҳкам бўлиши тарғиботнинг самарали бўлишида катта аҳамиятга эга. Тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аҳоли орасига чуқур кириб боришда, аввало, бошланғич ташкилотларга суяниши керак.

Бундан ташқари, табиийки, учрашувлар вақтида кишилар кўпгина муаммоларни ҳам кўтаради. Тарғиботчилар уларни албатта депутатларга етказиб, масала ҳал этилишини назорат қилса, партиямизга, унинг ғояларига ишонч янада мустаҳкамланади.

Семинарда тарғибот ишларини такомиллаштириш, тарғиботчилар гуруҳлари ишларини кучайтириш бўйича яна кўплаб фикрлар билдирилди. Улар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

Етакчилар қанчалик билимли, дунёқараши кенг, нотиқлик маҳорати юқори бўлса, партиямиз хотин-қизлар орасига шунча чуқур кириб боради.

Хотин-қизлар манфаати ҳимояси

энг устувор вазифаларимиздан биридир

Семинар-тренинг интерфаол усулда ўтгани билан қатнашчиларга жуда маъқул келди. Фаол аёлларнинг мавзуга доир таклиф-мулоҳазалари муҳокама этилиб, тажрибалар таҳлил қилинди. Шунингдек, қанот етакчилари ва фаолларининг сиёсий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, фаолиятини такомиллаштириш, депутатлар ва партиянинг ижтимоий шериклари билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Кимё ШОКИРОВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати:

— Мамлакатимизда аёллар оғирини енгил қилиш, турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ислоҳотлар улар ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, оила ва жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун кенг шароитлар яратаяпти. Ҳар бир аёл бундан самарали фойдаланиши керак. Бу масалада депутат сифатида бизнинг зиммамизда ҳам муайян вазифалар турибди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишларимизни янада такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса кўп жиҳатдан «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий ва касбий салоҳиятига боғлиқ. Етакчилар қанчалик билимли, дунёқараши кенг, нотиқлик маҳорати юқори бўлса, партиямиз хотин-қизлар орасига шунча чуқур кириб боради. Бунинг учун қанот етакчилари учун давра суҳбатлари, амалий семинарларни кўпроқ ташкил этиш, машғулот ва ўқувларни юқори савияда ўтказиш, ҳаёт синовидан ўтган сиёсий технологиялардан оқилона фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент педиатрия-тиббиёт институти кафедра мудири:

— Давлатимиз раҳбари Соғлом бола йили Давлат дастурини ишлаб чиқишда ҳам биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказида бўлиши лозимлигини алоҳида уқтирди. Шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, жорий йилда «Фаол аёллар» қаноти зиммасида ҳар қачонгидан катта ва масъулиятли вазифалар турганини англаймиз.

Биз партия фаоллари, тиббиёт ходимлари Соғлом бола йилидан кўзланган мақсад, унинг ҳаётий аҳамиятини хотин-қизларимиз ўртасида кенг тарғиб қилишимиз керак, деб ҳисоблайман. Иккинчидан, қанот етакчиларидан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, аниқ режа асосида ҳаракат қилиш талаб этилади. Учинчидан, жойларда бу борада юзага келадиган айрим масалалар, муаммоларни депутатларимиз орқали вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритиб борсак, ишимизнинг самараси юқори бўлади.

Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Чилонзор туман бўлими етакчиси:

— Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишда, мустақил фуқаролик позициясини шакллантиришда жойларда ташкил этилаётган семинар-тренинглар, сиёсий ўқувларнинг аҳамияти катта. Шуниси қувонарлики, уларда қанот аъзолари катта қизиқиш билан иштирок этиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Бу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш учун эса бугунги семинар айни муддао бўлди. Чунки анжуман етакчилар учун ўзаро тажриба алмашиш, сиёсий ва касбий малакани ошириш мактаби вазифасини ўтади. Масалан, мен хотин-қизларнинг қизиқиш ва имкониятларини тўғри йўналтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича аниқ тавсияларга эга бўлдим.

Бундан ташқари, семинарда хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга оид бошқа масалалар, уларни бартараф этиш йўллари атрофлича таҳлил этилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтириш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли олиб бориш, етакчилар ўзаро тажриба алмашиб туришини ташкил этиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Семинар сўнгида қанот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

O`ZBEKISTON OVOZI
● 2014-yil, 6-fevral.
Payshanba ● 17 (31.764)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Янги қонун кучга кирди

Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар самараси иқтисодиётимизнинг тобора ривожланиб, халқимиз турмуш даражасининг юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Эндиликда партия гуруҳи тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлим ва бошқармаларининг раҳбарларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

Бу жараёнда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи сиёсий партиялар ҳам муҳим ўрин тутаётир.

Шу боис мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг кенг кўламли фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган бу ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг ваколатларини янада кенгайтириш билан бирга, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеи мустаҳкамланишига замин яратди.

Шу билан бирга, тезкор замон талаби ҳамда жамият ижтимоий-сиёсий ривожидан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчилик изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, жорий йил 21 январда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Бундан кўзланган мақсад маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштиришдир.

Аввало, «партия гуруҳи» тушунчасига ойдинлик киритайлик. Бу — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Мазкур янги қонунга кўра, партия гуруҳини ташкил қилиш тартиби ва шартлари жорий этилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ҳамда шаҳарлардаги (вилоятлар марказларидаги) партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори беш нафар этиб белгиланди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар билан бир қаторда партия гуруҳларига янги ҳуқуқлар берилган. Чунончи, бу нормалар «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилган янги 14[1]-моддада ўз ифодасини топган. Унга кўра, партия гуруҳлари давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи комиссияси кун тартибини тузишда иштирок этади, давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлиги ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритади.

Эндиликда партия гуруҳи тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлим ва бошқармаларининг раҳбарларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

Партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритади. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади.

Шу билан бирга, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи, албатта, кўриб чиқилади.

Мухтасар айтганда, амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва янгиликлар сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ролини мустаҳкамлаш, сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини самарали амалга оширишдаги фаоллигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.
(ЎзА)

«Сеҳрли қоғоз»

ундан бир неча марта фойдаланиш мумкин

Хитойлик кимёгарлар ёзув қоғози тайёрлашнинг антиқа «рецепти»ни ихтиро қилдилар. Унинг афзаллиги шундаки, мазкур қоғоздан бир неча марта фойдаланиш мумкин ва у экологик тоза технологияга эгалиги билан ажралиб туради.

Мамлакатнинг Чанчун шаҳридаги Цзилин университети мутахассиси Шон Сяо-Ан Чжан ва у бошчилигидаги олимлар гуруҳи спиропиран, деб номланувчи органик модданинг мураккаб «аромат»га эга углеводородларига алоҳида эътибор қаратдилар. Улар шундай хусусиятга эгаки, икки хил шароитда қораяди: ёруғлик нурида ва ҳар қандай суюқликда.

Ва айнан шу хусусияти олимларни янги кашфиёт сари ундади: улар мазкур моддани қоғоз орасига жойлаштириш усулини ўйлаб топдилар ва қоғозни синовдан ўтказдилар.

«Сеҳрли қоғоз» ўз карматини кўрсатди. Одатдаги принтер ёрдамида ёки қўлда ҳам ёзиш имкони пайдо бўлди. Бунинг учун принтер катрежи бўёқ билан эмас, балки сув билан тўлдирилади.

Қоғознинг яна бир ажойиб хусусияти шундаки, ундаги ёзувларни осонгина ўчириб ташлаш мумкин: бир неча сония иссиқда тутиб турилса бас, ёзувлар ўчади ва қоғоз аввалгидек оппоқ бўлиб қолади.

Олимларнинг таъкидлашларича, бу турдаги қоғоз босмахона харажатларини 17 бараварга қисқартиради, бўёқ тайёрлаш билан боғлиқ ишларда атроф-муҳитга етказиладиган экологик зарарни ҳам бир неча бараварга камайтиради.

Космик чиқиндилар

ҳаракати кузатиб турилади

Япония ҳукумати Ер орбитасида учиб юрувчи космик чиқиндилар кузатуви билан шуғулланувчи янги тизим ташкил этилишини маълум қилди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Бу ҳақда қарор қабул қилинди, мазкур йўналишдаги амалий ишлар эса келгуси йилдан бошланади.

Бузилган ва синган сунъий йўлдошлар парчаларидан таркиб топган космик чиқиндилар Ердан учирилган ракеталарга ва коинотда фаолиятини давом эттираётган сунъий йўлдошларга жиддий хавф туғдиради.

Бугунги кунда коинотда 16 мингдан ортиқ космик чиқинди катта тезликда учиб юрибди. Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, улар тезлиги сонияга 10 километрни ташкил этади. Демак, ҳажми миллиметрларга тенг бир бўлак космик чиқинди ҳам сунъий йўлдошни ишдан чиқариши ҳеч гап эмас.

Осма йўллар эвазига

автомобиль тирбандлиги камаяди

Брянскнинг маҳаллий муҳандислари, шунингдек, Жанубий-Россия давлат техника университети ҳамда Брянск давлат университети олимларидан иборат муаллифлар гуруҳи осма пўлат арқонда ҳаракатланувчи метро яратиш концепциясини ишлаб чиқдилар, дея хабар беради «Мир новостей» ҳафталиги.

Пўлат арқонда осилган вагонлар ёки гондолалар (ҳаво шари, дирижабл ва шу кабиларнинг одам ўтирадиган ёки мотор ўрнатиладиган кажаваси) ҳаракатланиш давомида 30-40 бекатга хизмат қилади.

Бешта йўналишли ушбу осма йўл тизими Брянскнинг 4 та туманини бир-бирига боғлайди. Вагонлар ҳаракати соатига 40 километр, гондолалар эса 72 километр тезликда ҳаракатланиш қувватига эга бўлади.

Ихтирочилар вакили Александр Лагеревнинг айтишича, ушбу лойиҳани янада мукаммаллаштириш зарур. Жумладан, пўлат арқонлар ва уларни ушлаб турувчи пўлат устунлар ҳамда баландликдаги бекатлар мустаҳкамлигини таъминловчи қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқилиши лозим. Ва бу, албатта, жуда катта харажатларни талаб қилади. Шу боис шаҳар маъмурияти бу лойиҳага розилик берадими-йўқми, буниси ҳали номаълум.

Бироқ олимлар шуни ишонч билан айтишмоқдаки, Брянскда яна бир неча йиллардан кейин транспорт қатновини таъминлашда ўзга вариантлар қолмайди, аниқроғи, йўлларни кенгайтиришнинг имкони бўлмайди. Демак, ё ер ости йўлларини кўпайтиришга тўғри келади, ёки осма йўллардан фойдаланишга эҳтиёж туғилади.

Шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси томонидан айни пайтда 186,5 минг енгил машина расмий рўйхатга олинган. 2015 йилда бу рақам яна 34 фоизга ортиши башорат қилинмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

Меҳр ва мурувват тадбири

●●● Шўрчи туманидаги 122-сонли кар ва кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ва 68-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида тадбир ўтказди.

Хайрия тадбири вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ташаббуси билан ташкил қилинди.

— Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш устувор вазифа этиб белгиланган, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ботир Ражабов. — Бу борада, айниқса, ногирон, чин етим ва боқувчисини йўқотган болалар келажаги алоҳида эътиборда. Партиямиз ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликни қўллаб-қувватлайди ва бу тадбирлар жисмоний жиҳатдан чекланган болажонларнинг жамиятда ўзларини тўлақонли ҳис қилишларида муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

— Бу ерда ўқиб, билим олишимиз учун ҳамма шароит яратилган, — дейди 122-сонли таълим муассасаси тарбияланувчиси Муножат Қурбонова. — Бунинг учун Президентимиз ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз. Бизни йўқлаб келган саховатпеша ҳомийларга ҳам катта раҳмат. Совғалардан беҳад хурсанд бўлдик. Келажакда юртимизга хизмат қиладиган инсонлар бўлишга ҳаракат қиламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

Соғлом бола йилига бағишлаб миллий валютада янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади:

«Келажак авлод»

✧ *Сақлаш муддати – бола 7 ёшгача етгунига қадар.*
✧ *Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.*
✧ *Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.*
✧ *Омонатга маблағлар қабул қилиш омонат бекор қилингунга қадар амалга оширилади.*

ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com *Хизматлар лицензияланган.*

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

●●● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг Термиз шаҳрида маъмурий биноси қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2935,0 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2445,833 млн.сўм, қурилиш муддати — 330 кун.

Лот 2-1. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Пудина» маҳалласидаги 49-сон мактабни сел тошқинидан ҳимоя қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 396,404 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 330,337 млн.сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 2-2. Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Пирназаров СИУ Сурхонбоши қишлоғи ҳудудида Тўпаланг дарёси қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 181,309 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 151,091 млн.сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс. (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн.сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 млн.сўмдан юқори бўлган объект бўйича оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 70 000 сўмдан 120 000 сўмгача.

Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин

қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.**

«Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади»

Москва шаҳридаги Навоий ҳайкали

Жаҳоннинг улкан мамлакатлари пойтахтлари бўлган Токио, Москва, Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилган.

«Навобахш ҳикматлар»

Таниқли навоийшунос олим, маънавият ва маърифат тарғиботчиси, Самарқанд давлат университети профессори, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳрир ҳайъати аъзоси Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг шу номдаги китоби яқинда СамДУ нашр-матбаа ва ахборот маркази томонидан чоп этилди.

Мазкур китобдан Навоий сабоқлари, ҳамдлардаги ҳикматлар, комил инсон тимсоли, кўнгил талқини, Низомий Ганжавий ижодида инсон тасвири, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий ижодида адабий-танқидий қарашлар тарихига доир бўлимлар ўрин олган.

Биз газетхонларимиз эътиборига ушбу тадқиқотдан бир парчани ҳавола этмоқдамиз.

«...Навоий наздида Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти унга берилажак баҳо учун асос. Инсон жамият ичида бўлиши, унга адолат ва ҳалоллик нуқтаи назаридан хизмат қилиши, хиёнат кўчасига кириб ўзининг асллигига путур етказмаслиги талаб этилади. Суврати сийратига тўғри келиб, ундан чин инсонийлик нури ёғилиши жоиз. Навоий ўзгалар ғамида юрадиган, ҳиммати баланд, ҳожатбарор, адолатпаноҳ инсонларни улуғ кўради. Зеро, инсон мавҳум тушунча эмас, у ўз касб-кори, жамиятда эгаллаган мавқеи бор бўлган шахсдир:

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Табиийки, савол туғилади. Ана шундай олижаноб инсон бўлиш учун нима қилмоқ керак? Авваламбор, таълим-тарбия, одоб, иффат, ҳаё, қаноат, сабр, билимга эгалик даркор. Зотан, илмсизлик жоҳилликка, тарбиясизлик такаббурликка, одобсизлик калтабинликка, ҳаёсизлик ва иффатсизлик разолатга, қаноатсизлик зулмга, сабрсизлик ёмонликка етаклайди. Кўриниб турибдики, иллатлар худди занжирдай бир бирига чирмашиб келади.

Дейлик одобдан бехабар бола, албатта бир кун келиб оиласига озор беради. Хатосини англаб етишга ўзида куч тополмайди. Натижада жоҳилликка юз тутади.

Инсон учун, аввало, одоб пойдевор. Одобли одам ўзида ҳаётда қоқилмай, олдинга интилиш хусусиятини шакллантиради. Одоб ўз навбатида билим томон етаклайди. Демак, одобни таниган ва билган борки, билим олишга ҳаракат қилади. Билимли инсон эса ўз навбатида сабр ва қаноатни ўзида жо айлайди. Билим чўққиларини забт этган киши шубҳасиз ҳаё ва иффат даражасига сазовор бўлади. Ҳаё ва иффатга эришган зотга вафо ва ишқ бўстонининг эшиклари очилади. Энди у янада такомилга етиб, комиллик сари қадам ташлайди.

Алишер Навоий ҳазратлари таъкидлайди: «Адаб дабъидаким, кичикларга мўжиби саодатманлиғ ва улуғларга боиси сарбаландлик дурур ва тавозеъ васфидаким, «дол»дек қаддини хам қилғон қадамин давлат фарқиға қўяр ва ҳаё зиёсидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур».

Мазмуни: Адаб расми ҳақидаки, кичикларнинг бахтиёрлигига ва катталарнинг бошини баланд бўлишига сабабдир. Тавозеъ, таърифи шуки, қаддини «дол» ҳарфидек тутиб юрган кишининг қадами уни юксакларга элтади ва ҳаё нури ҳақидаким, ҳар ким бу нурга чўмилса, раҳмат ёмғири ила сероб бўлади.

Аёнлашадики, Навоий адабни саодатманлик-бахтиёрлик калити деб ҳисоблайди. Ҳаё билан хуштавозеъликни эса одобнинг асосий шарти сифатида талқин этади. Навоий, айниқса, бу хислатларни «талаб уйида нишаст айлаган», яъни маърифатга талабгор одамлар учун ўта зарурлигини уқтиради. Боиси бу тоифа одамлар кибр-манманликдан ўзини йироқ тутган, риёзатлар чеккан, нафсу ҳаво, ҳирсу таъма ўтини ўчирган, кўнглида қинғир фикрлар, алдамчилик, ёлғон-фириб ўйи бўлмаган сидқу садоқатга собит кишилардир. Шоирнинг ёзишича, ана шу фазилатни ўзида намоён этган киши одобда ҳам гўзал:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Яъниким, одамни мансабу наслу насаб эмас, балки ҳаё ва адаб улуғлайди, эл кўзига шарафли қилиб кўрсатади».

Ушбу китоб улуғ бобомиз Алишер Навоий даҳосини ўрганишда яна бир қимматли манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Бишкек шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўндан зиёд давлатидан келган икки юз нафарга яқин «чарм қўлқоп» устаси ўнта вазн тоифасида рингга кўтарилди.

БИТТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ

Мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, ўз вазн тоифасида истеъдодли спортчимиз Ботирали Мамажонов (81 кг) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Анвар Туропов (64 кг), Баҳодир Жалолов (+91 кг) турнир шоҳсупасининг фахрли иккинчи поғонасидан жой олди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

2014 йилни юнон-рум ва эркин кураш бўйича спортчиларимиз ёрқин ғалабалар билан бошлади. Ўтган ойда истеъдодли юнон-рум курашчимиз Элмурод Тасмуродов (59 кг) Гран-При туркумидаги Иван Поддубний халқаро турнирида муваффақият қозонган эди.

Куни кеча у Туркияда ўтган йирик халқаро турнирда яна кучлилар қаторидан жой олди. Элмурод нуфузли мусобақада финалгача барча рақибларини енгди. Фақат ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимизга бироз омад етишмади ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Яна бир хушхабарни эса АҚШнинг Колорадо шаҳридан олдик. Бу ерда эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда Беҳзод Абдураҳмонов (70 кг) ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин эгаллади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Тадбир

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янгича дизайндаги, замонавий талабларга жавоб берадиган веб-сайти ишга туширилди. Сайт «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори молиявий кўмаги асосида ишлаб чиқилган.

Миллий марказ веб-сайти тақдимоти

У бир қатор ўзига хос қулайликларга эга. Масалан, фойдаланувчилар сайтга осон кириши, континентларнинг уч тилда — ўзбек, инглиз ва рус тилларида жойлаштирилиши шулар жумласидандир. Сайтдан Миллий марказ муассислигида чоп этиладиган журналлар ва уларнинг мундарижалари ҳақида маълумот олиш имконияти мавжуд. Шунингдек, масофадан туриб Ахборот-ресурс марказидаги мавжуд нашрлар ва адабиётлар каталоги билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, фото, аудио ва видео форматдаги маълумотларни қамраб олувчи бўлим ҳам мавжуд.

Куни кеча ушбу сайт тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази

замонавий технологиялар билан таъминланди

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси гранти асосида мазкур кутубхона адабиётларини консервациялаш ва қайта тиклаш учун профессионал сканер ҳамда жилдлаш ускунаси ўрнатилди.

Бу ускунанинг қулайлиги шундаки, у бир дақиқада китобнинг олд ва орқа варағи, юздан ортиқ саҳифасини автоматик тарзда сканер қилиб, электрон кўринишда тақдим эта олади.

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида XVIII-XIX асрларга оид 10 мингдан зиёд нодир асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти узоқ йиллар давомида фойдаланилмагани учун яроқсиз аҳволга келиб қолган. Энди замонавий технология ёрдамида ушбу ноёб китобларни қайта тиклаш, консервациялаш ва электрон базасини яратиш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, китобхонлар фойдаланадиган луғатлар, энциклопедиялар ва фан соҳасидаги бошқа кўплаб адабиётлардан ҳам янги нусха кўчириш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

Футбол

«Албатта, ғалаба билан қайтамиз»

Мамлакатимиз футбол клублари бу йилги мавсумни ҳар қачонгидан барвақт бошлашади. 8 февраль куни Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги босқич плей-офф учрашувлари бўлиб ўтади. Унда Тошкентнинг «Локомотив», Қаршининг «Насаф» жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Жумладан, шу куни темирйўлчилар Тошкентда Қувайтнинг «Ал-Қувайт» жамоасини қабул қилса, қаршиликлар Дохада Қатарнинг «Ал-Жаиш» клуби билан куч синашади. Мусобақа низомига кўра, ғолиб жамоалар гуруҳ баҳсларида тўп суриш имкониятини қўлга киритади.

Биз «Насаф» футболчиларининг муҳим ўйин олдидан тайёргарлиги, кайфиятини билиш мақсадида жамоа сардори Артур Геворкян билан суҳбатлашдик.

— **Дохада бўладиган учрашув олдидан жамоадошларингиз кайфияти қандай?**

— Албатта, ҳар бир жамоа бундай нуфузли мусобақада бош совринни қўлга киритишни орзу қилади. ОФК қарорига кўра, Ўзбекистон клубларидан фақат мамлакат чемпиони «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биз ва «Локомотив» жамоаси эса бундай имкониятга эга бўлишимиз учун дастлаб плей-офф учрашувларида ғолиб чиқишимиз зарур. Аммо ушбу босқичда фақат битта учрашув ўтказилиши жамоаларга бироз ноқулайлик туғдиради. Шунга қарамай, бу муҳим ўйинда ғалаба қозонишни истаймиз.

Янги йилдан хорижий давлатларда ўқув-машғулот йиғини ўтказиб, бир қатор ўртоқлик учрашувларида майдонга тушдик. Баҳсларнинг аксариятида ғалаба қозонганимиз жамоадошларим кайфиятини кўтарди.

— **Мавсум оралиғида «Локомотив» жамоаси ўз таркибини бир қатор етакчи ўйинчилар билан тўлдирди. Аммо бу борада «Насаф»да катта ўзгаришлар кўзга ташланмади...**

— «Насаф» — ўз анъанаси ва ўйин услубига эга жамоалардан бири. Охирги учтўрт йилдан бери жамоамиз деярли бир хил таркибда майдонга тушиб келмоқда. Қолаверса, бош мураббий Рўзиқул Бердиевнинг кўпроқ маҳаллий ёшларга ишонч билдираётганлиги ҳам жамоамизнинг катта ютуқларидан бири, деб биламан. Янги мавсум олдидан «Насаф»ни деярли бирорта тажрибали футболчи тарк этмади. Аксинча, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Игорь Таран («Бунёдкор»)нинг сафимизга келиб қўшилганлиги бизнинг фойдамизга хизмат қилади, деб ўйлайман.

— **«Ал-Жаиш» жамоаси ҳақида фикрингиз қандай?**

— Рақибимиз Қатарнинг етакчи жамоаларидан саналади. «Ал-Жаиш»нинг ўз миллий чемпионатида иккинчи поғонада бораётгани ҳам унинг қай даражада кучлилигидан далолат бериб турибди. Таркибида Европа, Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатларининг бир қатор тажрибали футболчилари тўп суради. Аммо бу рақибимиз — енгилмас жамоа, дегани эмас. Йиғинлар давомида мураббийлар штаби билан биргаликда улар иштирокидаги кўплаб учрашувлар тасвири туширилган дискларни кўриб чиқдик. Уларга қарши қандай ўйнаш кераклигини яхши биламиз. Ишонаманки, Ўзбекистонга албатта, ғалаба билан қайтамиз. Бунинг учун кучимиз ҳам, маҳоратимиз ҳам етади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Огоҳлик

Ёнғинлар бош сабаби эҳтиётсизлик ва эътиборсизликдир

Бугунги кунда фуқароларимиз турмуш тарзига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини татбиқ этиш ва ёнғинларнинг олдини олиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан қилинган таҳлилларга кўра, ўтган йили мамлакатимиз бўйича содир бўлган ёнғинларнинг 72,4 фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келган.

Уларнинг 39 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 28,5 фоизи электр жиҳозларининг носозлиги, 17,4 фоизи иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш ёки уларнинг носозлиги ва 10,8 фоизи болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида содир бўлган. Маълум бўлишича, ёнғинлар техник талабларга мутлақо жавоб бермайдиган газ плитаси, жиҳозлар ва печлардан фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини кучайтирган ҳолда меҳнат жамоалари, аҳолининг кенг қатлами билан учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда. Табиий газни хонадонларга ўзбошимчалик билан улаб олиш, газ ускуналаридан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, маиший газ қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида бир қатор текширув-рейдлар ўтказилди. Ушбу рейдлар давомида бугунги кунга қадар 27186 та корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликлар ўрганиб чиқилди ва 3 млн. 980 минг 550дан ортиқ аҳоли турар жойлари, 35236 та кўп қаватли уйлар ва бошқа масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилди.

Олиб борилган текширув ва ўрганишлар натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд ёнғин назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини бажармаётган 10170 нафар раҳбар, жавобгар шахс ва фуқаролар 354 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маъмурий жавобгарликка тортилди. Зудлик билан бартараф этилмаса ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 3823 та бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 38350 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Аслида эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик барча нуқсонларнинг бош сабаби ҳисобланади. Кўриб турганингиздек, ёнғин ҳодисалари ҳам асосан фуқароларнинг эътиборсизлиги туфайли содир бўлмоқда. Ушбу нуқсонларимизни бартараф этиш орқали, аввало, ўзимизга ва жамиятга катта наф келтирган бўламиз.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор.

ОБ-ҲАВО *06-07 – 02. 2014*

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-13 / -18	-5 / -10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-18 / -23	-8 / -13
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-15 / -20	-5 / -10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	-13 / -18	-2 / -7
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-13 / -18	-5 / -10
Тошкент шаҳри	-16 / -18	-6 / -8

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан 2011 йил 17 мартда 725-рақам билан Миробод тумани, Нукус кўчаси, 81-уй, 22-хонадон эгаси Абдураҳимов Саидислом Саидакбар ўғли номига берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли **Бекор қилинади.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси факультет ходими **Ҳикмат РУСТАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 260
22076 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5